

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МИРЗАЕВ АЛИШЕР УМИРЗОҚОВИЧ

**УЧ ШОҲЛИ НЕРВ НЕВРАЛГИЯСИ БИЛАН БЕМОРЛАРНИНГ
МИКРОВАСКУЛЯР ДЕКОМПРЕССИЯДАН КЕЙИНГИ ҲАЁТ
СИФАТИНИ ТЕКШИРИШ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of Doctoral (DSc) Dissertation

Мирзаев Алишер Умирзокович

Уч шохли нерв невралгияси билан беморларнинг микроваскуляр
декомпрессиядан кейинги ҳаёт сифатини текшириш..... 3

Мирзаев Алишер Умирзокович

Исследование качества жизни больных с невралгией тройничного
нерва после микроваскулярной декомпрессии..... 27

Mirzaev Alisher Umirzokovich

Study of the quality of life of patients with trigeminal neuralgia after
microvascular decompression..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МИРЗАЕВ АЛИШЕР УМИРЗОҚОВИЧ

**УЧ ШОҲЛИ НЕРВ НЕВРАЛГИЯСИ БИЛАН БЕМОРЛАРНИНГ
МИКРОВАСКУЛЯР ДЕКОМПРЕССИЯДАН КЕЙИНГИ ҲАЁТ
СИФАТИНИ ТЕКШИРИШ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2017.3.DSc/Tib245 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzniito.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Аҳмедиев Махмуд Мансурович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Алиходжаева Гулнара Алаутдиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ризаев Жасур Алимджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Маҳкамов Козим Эргашевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон Давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э. Ирисметов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги
Бир марталик илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

У.М. Рустамова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги
Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

А.П. Алимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги
Бир марталик илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тригеминал невралгия (ТН) жиддий касалликлардан бири бўлиб, жисмоний ва ҳиссий азоб-уқубатлар билан бирга кечади ва беморнинг ҳаётини чидаб бўлмайдиган ҳолга келтиради. ЖССТ маълумотларига кўра, касалликнинг «...тарқалиши ҳар 100 минг аҳолига 30-50 кишини ташкил қилади, касалланиш даражаси эса ҳар 100 минг кишидан 2-4 беморни...» ташкил этади¹. Жамиятнинг динамик равишда ривожланиб бориши, тригеминал невралгияда беморлар ҳаёт сифати (ХС) кўрсаткичи кескин пасайиши, беморларнинг психологик ҳолатини ёмонлашиши, муаммонинг долзарблигини ва «...ҳаёт сифатини ошириш усуллари такомиллаштиришни...»² таъкидлайди.

Жаҳонда тригеминал невралгия билан оғриган беморларни ҳаёт сифатини яхшилаш ва даволашнинг самарали усуллари такомиллаштириш бўйича катор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳаёт сифатини учта йўналиш (ҳаёт сифатининг умумий ҳолати, касаллик туфайли ҳаёт сифатининг ўзгариши, касаллик симптомлари) бўйича аниқлашга бағишланган MOS SF-36 сўровномаси, Euro QoL-5D Европа ҳаёт сифати сўровномаси, McGill Pain оғриқ сўровномаси ва бошқа 800 дан ошиқ неврологик сўровномалар ишлаб чиқилган. Гассеров тугунини радиочастотали обляция ва ризолизис қилиш, термо-криоризотомия, глицеринли блокада ва баллонли микрокомпрессия, гамма ва кибер нурлари билан нерв ўзагини нурлантириш, экзерез невротомияси каби нерв тугуни, шохлари ва илдизини деструктив парчалаш, орқа мия ўтказувчи йўллари трактомия операциялари каби деструктив усуллар мавжуд. Замонавий хирургик даволаш долзарб усуллари билан тригеминал илдизнинг микроваскуляр декомпрессияси ва унинг эндоскопик усуллар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда аҳолига сифатли ихтисослаштирилган нейрохирургик ёрдам кўрсатиш бўйича самарали юқори технологик ускуналар ёрдамида тиббий хизматни такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, шу жумладан «...аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш...»³ муҳим ҳисобланади. Бу борада ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни, шу жумладан диагностика, прогнозлаш ва даволаш усуллари тадбиқ этиш ҳисобидан ТН бўлган беморларга кўрсатилган тиббий хизмат ва уларнинг ҳаёт сифатини оширишда муайян аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада

¹ Коновалов А.Н. ва бошқ., 2009, Коновалов А.Н., Махмудов У.Б., Шиманский В.Н., Тяншин С.В., Отарашвили И.А., Лебедева М.А., Семенов М.С. Хирургическое лечение невралгии тройничного нерва / А.Н. Коновалов, У.Б. Махмудов, В.Н. Шиманский и др. // Украинський нейрохірургічний журнал. – 2009. № 3. – С. 22.

² Симонова Г.И., Богатырев С.Н., Горбунова О.Г., Щербакова Л.В. Качество жизни населения Сибири (популяционное исследование) // Бюллетень СО РАМН. – 2006. - № 4 (122). - С. 52-55. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kachestvo-zhizni-naseleniya-sibiri-populyatsionnoe-issledovanie> (23.11.2019).

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПК-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 12 июндаги ПҚ-3052-сон «Соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4191-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазафаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Тригеминал невралгияни ташхислаш ва даволаш бўйича тадқиқотларни дунёнинг етакчи илмий тиббиёт марказлари ва университетлари, жумладан: (University of Pittsbrg) АҚШ; (Oxford University) Буюк Британия; (Helios Hospital Berlin-Buch, Helios Hospital Schwerin) Германия; (Hospital Assuta) Исроил; (Н.И. Бурденко номидаги Нейрохирургия илмий-тадқиқот институти, Н.И. Пирогов номидаги Миллий тиббий жарроҳлик маркази, Москва шаҳри) Россия Федерацияси; (А.П. Ромоданов номидаги Нейрохирургия институти, Киев шаҳри) Украина; (Миллий Нейрохирургия Маркази, Остона шаҳри) Қозоғистон; (И.К. Ахунбаев номидаги Қирғизистон давлат тиббиёт академияси, Бешкек шаҳри) Қирғизистон; (Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий - амалий тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академиясида) Ўзбекистон Республикасида олиб борилмоқда.

Жахонда тригеминал невралгияни ташхислаш ва даволаш бўйича турли натижалар олинган, жумладан, (University of Pittsbrg) АҚШ; МРТ маҳсус FLESTA усулида нерв илдизи ва қон-томирлар оралиғидаги масофани 2 мм дан яқинлашиши ёки нерв илдизининг қисилиши ҳолатлари аниқланганда МВД операциясига кўрсатма ҳисобланган; (Oxford University) Буюк Британия тригеминал невралгия жарроҳлик амалиётида кистирма сифатида «Teflon, Avalon, Cotton...» каби турли хил кистирмалардан фойдаланилган ва бунда беморларда амалиётдан кейинги даврда гранулёмалар пайдо бўлиши ҳолатлари кузатилган; (Helios Hospital Berlin-Buch, Helios Hospital Schwerin) Германия МВД амалиётини ўтказишда бош-чанок нервлари илдизларини кўриш қийинчиликларига учраган; (Hospital Assuta) Исроил; МВД амалиётини ўтказгандан сўнг бош-чанок нервлари парези каби асоратлар кузатилган; (Н.И. Бурденко номидаги Нейрохирургия илмий-тадқиқот институти, Н.И. Пирогов номидаги Миллий тиббий-жарроҳлик маркази, Москва шаҳри) Россия Федерацияси; (А.П. Ромоданов номидаги Нейрохирургия институти, Киев

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.pitt.edu; www.ox.ac.uk; www.helios-gesundheit.de; www.assuta.co.il; www.nsi.ru; www.pirogov-center.ru; www.neuro.kiev.ua; www.neuroclinic.kz; www.kgma.kg; www.neuro.uz; www.tma.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

шаҳри) Украина; тригеминал невралгияда МВД амалиётни ўтказишда миёча эзилиш ҳолатлари, ликворея каби асоратлар кузатилган ва бу йўналишда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Ҳозирги кунда жаҳонда тригеминал невралгия диагностикасида жаҳонда турли тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, 94% ҳолларда невралгиянинг этиологик омилли тригеминал илдизнинг серебеллар артериялари ва бошқа томирлар билан орқа миё чуқуридаги сиқилиши ҳисобланади. Нейроваскуляри сиқилишни аниқлаш учун қон томирларини идентификациялаш магнит-резонанс томографияни (МРТ), контрастли уч ўлчовли тасвирда ўтказиш учун махсус усули қўлланилади, бу эса уч шохли нерв илдизи бош миё ўзагига кириш жойида илдизни сиқадиган қон томирини аниқлашга ёрдам беради. Ҳозирги вақтда беморларда электронейромиография текширув усули тригеминал илдизнинг микроваскуляри декомпрессияси операциясига кўрсатма ва қарама-қарши кўрсатмаларни аниқлаш учун миё ўзаги периферик ёки марказий ирритациясини аниқлаш мақсадида қўлланила бошланди.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Тригеминал невралгиянинг турли жиҳатлари бўйича ўтган ўн йиллар давомида кўп тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, унинг асосий бўлимлари, этиологияси, патогенез, ва даволаш тамойиллари билан боғлиқ кўплаб мунозарали ва ҳал этилмаган масалалар бор. Шундай қилиб, оғриқ синдромининг барча патофизиологик компонентлари ошқор қилинмай қолган (Коновалов А.Н. ва бошқ., 2009; Пузин М.Н. ва бошқ., 2010; Карпов С.М. ва бошқ., 2013; Балязина Е.В. ва бошқ., 2015; Гандылян К.С., 2015; Корневская И.А. ва бошқ., 2016; Стисси G. ва бошқ., 2008; Patel S.K., Liu J.K., 2016). ТН келиб чиқишига сабаб бошқа омиллар вирусли юқумли касалликлар оқибатлари, тиш оғриқлари ва иқлим шароитлари. Шунини таъкидлаш керакки, периферик нерв тизимининг ҳолати оғриқ синдромининг пайдо бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг зараланмаганлиги, вегетатив тизимнинг нуқсонсизлиги хирургик даволаш натижаларига ўз таъсирини кўрсатади. Вегетатив тизимдаги ўзаришларни баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Мослашиш даражасини аниқлаш, асосан, ҳар қандай қийин шароитларда, жумладан, ТНдаги оғриқ синдромида юзага келадиган патологик ўзгаришлар ва уларнинг компенсацияси ташхиси билан боғлиқ (Карпов С. М. ва бошқ. 2013; Хатуева А.А. ва бошқ., 2016; Maarbjerg S. ва бошқ., 2014). Тригеминал невралгия билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини ўрганиш нисбатан яқинда бошланди, аммо ТНдаги оғриқ, беморнинг ҳаёт сифатига сезиларли таъсир қилади. Тригеминал невралгия билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолашни етарлича амалга ошириш учун учта асосий параметрларга эътибор қаратилади: ҳаёт сифатининг умумий ҳолати; ҳаёт сифати ва саломатлик ҳолати; шунингдек оғриқни баҳолаш (Белова А.Н., 2004; Новик А.А., 2012; Николаев Е.Л., 2014; Shibahashi K. ва бошқ., 2013; Shi L. ва бошқ., 2017). Оғриқ синдроми интенсивлиги, клиник ва неврологик белгилар, инструментал текширув кўрсаткичлари ва тригеминал невралгияда ҳаёт сифати параметрлари батафсил ўрганилмаганлиги туфайли, ТН учун жарроҳлик даволаш усулини танлаш билан дифференциал жарроҳлик тактикасини ишлаб чиқиш

мунозарали бўлиб қолмоқда ва қўшимча тадқиқотларни талаб қилади.

Мамлакатимизда олиб борилган илмий тадқиқотлар тригеминал невралгия билан оғриган беморларнинг ҳаёти сифатини мақсадли тадқиқ қилиш (Кариев Г.М., 2010) амалга оширилган, аммо етарли даражада олиб борилмаган; Кўпгина муаллифларнинг (Гафуров Б.Г., 2010; Берлинер Е.Б., 2011; Абдуназарова Н.Ф., 2011) мавжуд нашрлари тавсифий ёки оз миқдордаги клиник материал таҳлилига асосланган. Буларнинг барчаси ҳаёт сифати соҳасида изланишларни давом эттириш ва ТНни жарроҳлик даволашда дифференциал ёндашишни такомиллаштириш зарурлигига билдиради.

Диссертация татқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг тадқиқот режасига мувофиқ АТСС 8.1 «Бош мияни хирургик даволашда миниинвазив услубларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш» грант лойиҳаси (2009-2011 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тригеминал невралгияли беморларни ҳаёт сифатини, нейрохирургик даволаш динамикасини ўрганиш ва натижаларни яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тригеминал невралгияда операциядан кейинги асоратларни камайтирадиган нерв илдизининг микроваскуляар декомпрессияси модификация очиш усулини ишлаб чиқиш;

тригеминал невралгияни даволашда нерв илдизининг микроваскуляар декомпрессияси модификация очиш усули самарадорлигини баҳолаш;

тригеминал невралгияда оғриқ синдромини интенсивлигини баҳолаш учун сўровнома ва компьютер дастурини ишлаб чиқиш;

тигеминал невралгияда ҳаёт сифатини баҳолаш учун сўровнома ва компьютер дастурини ишлаб чиқиш;

тригеминал невралгияда нерв илдизининг микроваскуляар декомпрессиясига кўрсатмалар, қарама-қарши кўрсатмаларни нейродиagnostикага асосланиб аниқлаш ва нейрохирургик даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

сўровномалар ёрдамида тригеминал илдизни микромаскуляар декомпрессиясидан олинги ва кейин даврда беморларнинг ҳаёт сифатини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тригеминал нерв илдизининг микроваскуляар декомпрессияси усули билан операция қилинган, Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида 2012-2018 йилларда даволанган тригеминал невралгияси бўлган 408 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тригеминал невралгияли беморларда клиник, неврологик, инструментал диагностика усуллари ва ҳаёт сифатини баҳоловчи сўровномалар натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсади ва қўйилган вазифалар ечимига эришиш мақсадида клиничко-неврологик текширувлар,

рентгенография, магнит-резонанс томография (МРТ), мультислайсли компьютер томографияси (МСКТ), электронейромиография (ЭНМГ), шунингдек, сўровномалардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нейрохирургик даволашда тригеминал илдизни микроваскуляар декомпрессиялашнинг ишлаб чиқилган модификация очиш усули краниал нервлар визуализациясини кенгайтириши, серебеллар тракцияси, мияча ярим шарлари эзилиши ва мия суюқлигининг оқмаларини (ликворея) олдини олиши ҳамда акузия, гипокузия, юз парезлари каби асоратларни камайтириши исботланган;

тригеминал невралгия билан оғриган беморларда оғриқни баҳолаш учун ишлаб чиқилган ва синовдан ўтган сўровнома ҳамда компьютер дастури беморда оғриқнинг табиати, локализацияси, кўзгатувчи омиллари, операциядан олдинги ва кейинги даврлардаги интенсивлиги ҳамда бемордаги оғриқ синдроми оғирлиги даражаси каби субъектив маълумотларни объектив равишда баҳолаши исботланган;

тригеминал невралгия билан оғриган беморларда ҳаёт сифатини баҳолаш учун ишлаб чиқилган ва синовдан ўтган сўровнома ҳамда компьютер дастури операциядан олдин ва кейинги ҳаёт сифати ва соғлиғи ҳолатини баҳолаши, касалликка ташқи омилларнинг таъсирини ва кундалик ҳаётга, кайфиятига, ҳиссий ҳолатнинг иш ва ижтимоий муносабатга таъсири аниқланган;

тригеминал невралгияни ташхислаш ва нейрохирургик даволаш учун ишлаб чиқилган алгоритм ёрдамида невралгиянинг оғирлик даражаси, соматик патология ва нейродиагностика маълумотлари, жарроҳлик даволашдаги турли хил ёндашишни ҳисобга олган ҳолда тригеминал илдизнинг микроваскуляар декомпрессияси учун кўрсатмалар ҳамда қарама-қарши кўрсатмалар аниқланган;

сўровномалар ёрдамида тригеминал илдизни микроваскуляар декомпрессиясидан олдинги ва кейинги даврда беморларнинг ҳаёт сифатини қиёсий баҳолаш учун ишлаб чиқилган сўровномалар амалиётда анъанавий фойдаланиладиган сўровномалардан сезгирлиги ва ишончлилиги жихатидан афзаллиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тригеминал нерв илдизини микроваскуляар декомпрессиясида киритилган модификация очиш усули краниал нервларнинг умумий кўринишини яхшилашга, мия суюқлиги оқмаси, ортиқча серебеллар тракцияси ва краниал нервларнинг парези каби операциядан кейинги асоратларни олдини олиши исботланган;

тригеминал невралгия билан оғриган беморларни хирургик даволашда тригеминал нерв илдизининг микроваскуляар декомпрессиясини модификацияланган очиш усулида, мушак ва фассия бўлақларини қистирма сифатида қўллаш орқали операциядан кейинги асоратларни камайтиришига эришилган;

ишлаб чиқилган сўровнома «Оғриқ синдромини баҳолаш» ва компьютер

дастури беморларнинг субъектив сезгиларини баҳолашга ва тригеминал невралгия билан оғриган беморларни жарроҳлик даволаш усулларини тўғри танлашга кўрсатмалар бериши исботланган;

ишлаб чиқилган сўровнома «Ҳаёт сифатини баҳолаш» ва компьютер дастури жарроҳлик даволаш натижаларининг самарадорлигини ва тригеминал невралгия билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари ўзгариши динамикасини аниқлаши исботланган;

тригеминал невралгияни ташхислаш ва нейрохирургик даволаш алгоритми тригеминал невралгияни хирургик даволаш усулини танлашда табақалаштирилган ёндашув тактикаси зарурлигини исботлаган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда қўлланилган усуллар, назарий ёндашув ва клиник тадқиқотлар услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқот беморлари сонининг етарлилиги, клиник инструментал текширувлар қўлланилиши, олинган натижаларнинг статистик таҳлиллар ёрдамида тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти тригеминал невралгияда оғриқни баҳолаш учун ишлаб чиқилган сўровнома ва компьютер дастури қулай, аниқ ва тушунарли, сўровноманинг сезгирлиги ва ишончлилиги тадқиқотлар билан тасдиқланган, сўровнома оғриқ синдромини интенсивлигини объектив баҳолашга ёрдам бериш; тригеминал невралгияда ҳаёт сифатини баҳолаш сўрономаси ва компьютер датури беморларда субъектив белгиларни объективлаштиришга операциядан олдин кейинги вақлардаги ҳаёт сифати динамикасини ўрганишга, даволаниш натижаларини ҳам тезда аниқлаш; ишлаб чиқилган «тригеминал невралгияни ташхислаш ва нейрохирургик даволаш алгоритми» тригеминал невралгия билан оғриган беморларни жарроҳлик даволаш усулини танлашга турлича ёндошиш; ишлаб чиқилган сўровномалардан ва беморнинг фаолият соҳалари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш, даволаш ва реабилитация дастурларини ишлаб чиқишда, ҳамда, даволаниш пайтида беморнинг ҳолатини кузатишда қўллашда, тиббиётдан социологикгача бўлган турли йўналишларни қиёсий ва илмий баҳолашда ҳам фойдаланиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тригеминал нерв илдизини микроваскуляр декомпрессиялашга киритилган модификация очиш усули краниал нервларнинг умумий кўриниш ҳолатини яхшилашга, ортиқча серебеллар тракциясини камайтиришга, шунингдек тригеминал невралгия билан оғриган беморларда мия суюқлиги оқмаси кўринишидаги операциядан кейинги асоратларни камайтириш; тригеминал невралгия билан оғриган беморларни хирургик даволашда тригеминал нерв илдизининг микроваскуляр декомпрессиясини модификацияланган очиш усулида, мушак ва фассия бўлақларини қистирма сифатида қўллаш, операциядан кейинги асоратларни камайтиришга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Уч шохли нерв невралгияси билан беморларнинг микроваскуляр декомпрессиясидан кейинги ҳаёт сифатини текшириш буйича илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

«Тригеминал невралгияда оғриқини баҳолаш учун сўровнома» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 3 июндаги 8Н-р/220-сонли маълумотномаси). Тригеминал невралгия билан беморларда оғриқнинг интенсивлигини миқдорий равишда ўлчаш, оғриқ синдромининг оғирлигини етарли даражада баҳолаш, даволаш самарадорлигини таҳлил қилиш имконини берган;

«Тригеминал невралгияда ҳаёт сифатини баҳолаш учун сўровнома» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 3 июндаги 8Н-р/221-сонли маълумотномаси). Ҳаёт сифати ва беморнинг психосоматик ҳолатини баҳолаш, ҳаёт сифатини яхшилага оид кўрсатмалар бериш имконини берган;

«Тригеминал невралгия учун микроваскуляр декомпрессия модификация очиш усули» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 3 июндаги 8Н-р/222-сонли маълумотномаси). Таклиф қилинган модификация очиш усулидан фойдаланиш миячани ортиқча тракциясини, мия суяқлигининг оқмаси пайдо бўлишини ва мушак, ёғ тўқималари ва фасция парчалари кўринишидаги прокладкалардан фойдаланиш бошқа асоратларни олдини олиш имконини берган;

Олинган натижалар Бухоро ва Навоий вилоятлари кўп тармоқли тиббиёт марказларида, Навоий кон-металлургия комбинати тиббий санитария бўлимида (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26-ноябрдаги 8Н-д / 286-сонли хулосаси ва 05.06.2020 йилдаги 8Н-з/38-сонли хулосалари) тадқиқ қилинган. Олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши даволанишнинг етарли ҳажмини танлашга, оптималлаштиришга, текширув ва терапия вақтини қисқартиришга, рецидивлар сонини камайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 таси халқаро ва 2 таси республика миқёсида илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида муаммонинг долзарблиги ва заруриятлилиги асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, шунингдек ўрганиш объекти ва предмети, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги амалга оширилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ошкор қилинган, маълумотлар берилган тадқиқот натижаларини амалиётга,

нашр этилган ишларга ва диссертация тузилмасига киритилган.

Диссертациянинг «**Тригеминал невралгияси бўлган беморларни замонавий тасхислаш, нейрохирургик даволаш усуллари ва ҳаёт сифати**» деб номланган биринчи бобида адабий шарҳ тақдим этилган, унда тригеминал невралгия (ТН)нинг тиббий ва ижтимоий аҳамияти, муаммони ўрганиш тарихи, таснифи ва этиопатогенези, шунингдек, ТН билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифати ва хирургик даволаш ҳолати ўрганилганлиги келтирилган.

Диссертациянинг «**Материаллар ва тадқиқот усуллари**нинг клиник тавсифи» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектининг хусусиятлари, юзага келган муаммоларни ҳал қилиш усуллари ва услубий ёндашувлари берилган. Ушбу тадқиқотда 2012-2018 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида даволанган уч шохли нерв невралгияси бўлган, тригеминал нерв иллизининг микроваскуляр декомпрессияси (МВД) билан даволанган 408 нафар беморлар таҳлил қилинган.

Тригеминал невралгия билан касалланган 408 нафар беморларнинг барчаси илгари қабул қилинган даволаш усулларига қараб икки гуруҳга бўлинган: биринчи гуруҳга клиникага келишдан олдин турли хил хирургик даволаш усулларини ўтказган тригеминал невралгияли 230 нафар бемор (56,4%) киритилган. Иккинчи гуруҳ 178 нафар (43,6%) хирургик усулда даволанмаган ва клиникага келишдан олдин фақат консерватив даволанган беморни ўз ичига олган. Беморларнинг ўртача ёши 53 ёшни ташкил этди, беморларнинг орасида эркакларга нисбатан аёллар сони қарийб бир ярим барабар кўплиги аниқланди. Касалликнинг ўртача давомийлиги 7 йилни, касаллик бошланиши эса ўртача 46 ёшни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Тригеминал невралгия билан оғриган беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши


Ёш гуруҳлари	Беморларнинг жинси				Сони	
	Эркак	%	Аёллар	%	Abs	%
25-35 ёшда	16	9,9	11	4,5	27	6,6
36-45 ёшда	31	19,3	48	19,5	79	19,4
46-60 ёшда	68	42,2	100	40,7	168	41,2
60-74 ёшда	40	24,8	83	33,7	123	30,1
75-89 ёшда	6	3,7	4	1,6	10	2,5
90 ва ундан катта	0	0,0	0	0,0	0	0,0
Жами	161	39,5	246	60,3	407*	99,8

Изоҳ: * - 1 бемор - 25 ёшгача бўлган эркак; кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга ($P < 0,0004$)

Беморларда хирургик даволаш самарадорлиги қуйидаги мезонларни аниқлаш орқали баҳоланди: хирургик даволаш натижаларини - сезиларли яхшиланиш; яхшиланиш; ва биров яхшиланиш. Операциядан олдин ва кейин барча текширилган беморларнинг ҳаёт сифати баҳоланди. Бунинг учун таниқли MOS SF-36, EuroQol-5D, ҳаёт сифати бўйича Европа сўровномаси, қисқача оғриқни аниқлаш McGill Pain сўровномаси, шунингдек оғриқлар

даражаси ва ҳаёт сифатини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган сўровномалардан фойдаланилди. Барча беморларда клинко-неврологик текширувлар ва бир қанчасида электронейромиографик тадқиқотлар ўтказилди. Нейроваскуляр сиқилишни аниқлаш радиацион диагностикаси компьютер томография (КТ) ва магнит-резонанс томографияларни (МРТ) ўз ичига олади. Тригеминал невралгия ташҳиси қўйилгандан сўнг, барча беморларга хирургик операцияси ўтказилди - нейроваскуляр сиқилишни бартараф этиш учун тригеминал илдизнинг микроваскуляр декомпрессияси (МВД) ретросигмовид краниотомия орқали амалга оширилди.

Микроваскуляр декомпрессияси операциясидан кейинги асоратларни олдини олиш учун модификация очиш услуби тадбиқ қилинди (1-расм).



1-расм. Микроваскуляр декомпрессия модификация очиш усули:
 а) мавжуд очишусули; б) таклиф этилган модификация олчиш усули;
 с) модификация очиш усули анатомик белгилари;
 д) мия қаттик пардаси модификация очиш усули.


Ишлаб чиқилган сўровномаларнинг статистик таҳлили ўтказилди, у куйидаги босқичлардан иборат эди: анкетанинг ўзи ва сўровноманинг ҳар қандай шкаласи ишончилигини таҳлил қилиш; сўровнома шкаласини ўчиришда тавсифловчи статистикани таҳлил қилиш; даволашдан олдин ва кейин экспериментал натижаларнинг бир хиллигини текшириш; сўров варақалари корреляцион таҳлили. Ишлаб чиқилган сўровномаларнинг статистик таҳлили давомида уларнинг ҳар хил тақсимлангани, яъни улар ишончилиги, ишончли ва сезгир эканлиги тасдиқланди.

Тадқиқот давомида олинган барча текширув натижалари статистик

функциялар кутубхонаси ёрдамида арифметик ўртача (M), стандарт оғиш (σ) ва стандарт хатони (m) ҳисоблаш билан EXCEL пакетида ишлаб чиқилган дастурлардан фойдаланган ҳолда шахсий компьютерда статистик ишлов берилди, нисбий қийматлар (частота,%), хато эҳтимолини (P) ҳисоблаш билан Стъудентнинг мезони (t) аниқланди. Ўртача қийматлардаги тафовутлар $P < 0,05$ муҳимлик даражасида муҳим деб ҳисобланган. Шу билан бирга, клиник синов натижаларини статистик қайта ишлаш бўйича мавжуд кўрсатмаларга риоя қилинди.

Диссертациянинг «Ўрганилаётган беморларда тригеминал невралгиянинг клиник кўриниши» деб номланган учинчи бобида таҳлил қилинган беморларда ТНнинг намоён бўлишини акс эттиради, 408 нафар беморнинг 280 нафарида (68,6%) улар типик, ўнг томонда жойлашган бўлиб, юзнинг куйдирувчи ва чидаб бўлмас оғриқлари билан ифодаланган зарарланган нерв шохларининг V_2 ва V_3 да бўлиши 288 нафар (70,6%) беморларда кузатилди (2-расм).

Оғриқни кўзгатувчи асосий омиллар тишни даволатиш, тиш экстракцияси, протезлаш бўлиб, улар 127 нафар (31,1%) беморни ташкил этдилар, уларнинг бир қисми ўтказиб юборилган оториноларингологик ва неврологик касалликлар натижалари, шунингдек стресс, гипотермия ва ва бошқалар. Шу билан бирга, беморларнинг кўпчилигида 380 (93,1%) ҳолатларда чайнаш, овқатланиш ва гаплашиш пайтида кучайиб борган оғриқ хуружларининг бошланишига сабаб бўлишига аниқ боғлиқлигини қайд этдилар. Оғриқнинг бошланишига сабаб бўлган бошқа омиллар: тегиниш - 34 (8,3%), совуқлик - 20 (4,9%) ҳолатлар, тишни тозалаш - 12 (2,9%), ювиниш ёки соқол олиш - 5 (1,2%), оғиз очилиши - 3 (0,7%), шамол тегиши - 2 (0,5%), шунингдек 1 (0,2%) ҳолат - аксириш ва бош ҳаракатлар.



2-расм. Тригеминал нерв шохлари бўйлаб оғриқни тарклиши

Тригеминал нервнинг ўнг томонлама иккинчи ва учинчи шохлари асосан патологик жараёнга иштироки аниқиланган: бундай беморларнинг биринчи гуруҳида 68,3% (157 нафар бемор), иккинчи гуруҳда - 68% (121 нафар бемор) борлигидир. Иккала гуруҳдаги беморларда нерв шохчалари касаланиши кўшалок келиши хар хиллиги кузатилди. Шундай қилиб, биринчи гуруҳдаги ТНнинг биринчи ва иккинчи нерв шохларининг

зарарланиши бирга келиши 5,7% (13 нафар бемор), иккинчи гуруҳда - 15,2% (27 нафар бемор) да кузатилди. Бизнинг тадқиқотимизда биринчи ва учинчи нерв шохларининг бир вақтнинг ўзида зарарланиши кузатилмади.

Ўрганилган 408 нафар бемордан триггер нуқталари бўлган беморларнинг сони текширилганларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этди - 220 (53,9%), ва триггер зоналари алоҳида - 78 (19,1%) ва биргаликда – 285 (69,8%) ҳолатларда кузатилди. Ўлчамлари бўйича улар диаметри 1-2 мм дан 1-2 см гача эди ва асосан назолабиал минтақада жойлашган эди - 149 (52,3%) ҳолатлар – бу эса барча триггер нуқталарининг ярмидан кўпини ташкил қилади (2-жадвал).

2-жадвал

Ўрганилаётган беморларда триггер нуқталарни локализацияси,
n = 220 (53,9%)

Триггер нуқталарининг локализацияси, n=220 беморлар	абс.	%
Насолабиал учбурчак	149	52,3
Ментал худуд	76	26,7
Пешона-ёноқ худуди	27	9,5
Оғиз бўшлиғи	16	5,6
Ёноқ	6	2,1
Қулоқ атрофи худуди	5	1,8
Валле нуқталари	4	1,4
Бўйин III-IV умиртқалари ўсиқлари худуди	2	0,7
Жами	285	

Ментал минтақадаги триггер кўзғатиш нуқталари 76 (26,7,1%) ҳолатларда ва кам ҳолларда фронтал-зигоматик минтақада - 27 (9,5%), оғиз бўшлиғида - 16 (5,6%), ёноқларда, паротит минтақаси, бўйинда - атиги 8 та (2,8%), шунингдек Валле нуқталарида - 4 та ҳолат (1,4%) бўлганлиги кузатилди.

Шуни таъкидлаш керакки, 19 та (4,7%) ҳолатларда 408 нафар беморнинг триггер нуқталарининг тригеминал иннервация зоналарига мос келмаслиги қайд этилди. Неврологик асоратлар кўпинча ўтмишдаги оғирлаштирувчи биргаликда келувчи соматик патологияларга эга бўлган ёки илгари хирургик операцияларни амалга оширган беморларда учради. Барча ўрганилган беморларнинг 235-тасида сезгирлик бузилиши ва вегетатив дисфункциялар кузатилиши (57,2%) ни ташкил қилди. Ушбу ўзгаришлар оғриқ зонасида сезиларли даражада аниқланди, камроқ қўшни жойларда ва соғлом томонда, ҳар иккала ҳолда ҳам, биргаликда 222 нафар (54,4%) беморда сезувчанлик бузилиши аниқланди. Бизнинг кузатишларимиздаги вегетатив дисфункциялар 48 нафар (11,8%) беморларда гиперемия, сўлак оқиши ва кўз ёши оқиши кўринишида кузатилганлиги аниқланди.

Барча 408 нафар беморлардан 61,5% (251 нафар беморлар) да соматик патологияси 322 ҳолатни ташкил этди, алоҳида ва қўшалокланган ҳолда учради. Соматик касалликларнинг мавжудлиги клиник кўринишнинг ёмонлашишига сезиларли таъсир кўрсатганлиги, баъзида асосий касалликни кучайтирганлиги, аммо тригеминал нерв шохлари зарарланиш миқдорига таъсир кўрсатмаганлиги аниқланди. МВДдан сўнг клиникага келишдан

олдин такрорий касалланиши бўлган беморларнинг умумий сони 10 нафарни (2,4%) ташкил этди. Уларнинг қайталаш даври давомийлиги 1 йилдан 4 йилгача бўлганлиги аниқланди. Қайталашга (рецидив) турли омиллар таъсир кўрсатди: биргаликда келадиган соматик патология (60% ҳолатларда) ва иқлим шароитлари (100% ҳолатларда) сабаб бўлганлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Тригеминал невралгия билан оғриган беморларни нейрохирургик даволаш натижалари ва баҳолари**» деб номланган тўртинчи бобда тригеминал невралгияси бўлган барча 408 нафар (100,0%) беморларда МВДнинг ретросигмоид краниотомия усулида хирургик даволаш ва шунингдек барча даволаш давларидаги 134 нафар (32,8%) беморларда операциядан кейинги асоратларни бартараф қиладиган, таклиф қилинган микроваскуляр декомпрессия модификация очиш усули билан нейрохирургик даволаш ўтказилган беморларнинг даволаш натижалари келтирилган.

Интраоперацион таҳлил тригеминал нервни сиқилиш сабаблари аксарият қисми артериал томирлар, артериал ва веноз томирлар сиқилишлари бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи ҳам 246-та (60,3%) ва комбинацияланган 130-та (31,9%) ҳолатларда кузатилганлиги аниқланди. Сиқилишларнинг энг катта миқдори нерв илдизини церебеллар артериялари томонидан сиқилиши эканлиги аниқланди - 169 нафар беморда, бу 41,4% ни ташкил этди. Арахноид қобикнинг қалинлашиши ва битишмалар 32 ҳолатда тригеминал илдизнинг сиқилишини келтириб чиқарди, бу 7,8% ни ташкил этди.

Хирургик даволаш натижаларини баҳолаш учун куйидаги мезонлар ишлатилган - сезиларли яхшиланиш; яхшиланиш; ва бироз яхшиланиш. Сезиларли яхшиланиш - тригеминал нервини иннервация қилиш соҳасида оғриқ бартараф қилинган беморларни ўз ичига олди. Беморларнинг ҳолати оғриқ қолдирувчи воситаларни ёки антиконвулсантлардан фойдаланишни талаб қилмайди, бемор бемалол гапирди ва овқатланди, ўзини бутунлай соғлом ҳис қилади. Яхшиланиш - оғир невралгия хуружлари хирургик амалиётдан кейин йўқолган ҳолатларда қайд этилади, аммо озгина оғриқ бор ёки стационар даволанишни талаб қилмайдиган енгил сезгир ҳудуд бўлган, қисқа муддат (1 ойгача) антиконвулсант дориларни қўллаш талаб қилинган беморлар ҳисобланади. Операциядан кейин оғриқнинг сақланиши ёки кучайиши, сезувчанликнинг кескин бузилиши, асоратлар, рецидивлар кузатилган ва узоқ вақт (3-6 ойгача) оғриқ қолдирувчи воситалар, психотроп дориларни қўллаш зарур бўлган ҳолатларда - бироз яхшиланиш деб қайд этилади.

Ўрганилган 408 нафар ТН билан оғриган беморларда тригеминал нерв илдизининг МВДси ёрдамида нейрохирургик даволаниш натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш шуни кўрсатдики, ҳар иккала гуруҳдаги беморларнинг соғлиғи яхшиланган ва операциядан кейин оғриқ йўқлиги ёки пасайиши (регресси) 373 нафар (91,4%) беморлар, шундан 207 нафари (90,0%) - биринчи гуруҳда, иккинчи гуруҳда - 166 нафар (93,3%) беморларда кузатилди. Шу билан бирга, иккала гуруҳда сезиларли яхшиланиш билан 152 нафар (37,3%) ва яхшиланган 221 нафар (54,2%) беморлар кузатилди.

Биринчи гуруҳда иккинчи гуруҳга караганда кўпроқ беморларда сезиларли яхшиланиш кузатилди - мос равишда 95 нафар (41,3%) ва 57 нафар (32,0%) эканлиги аниқланди. Иккинчи гуруҳда яхшиланган беморларнинг улуши биринчи гуруҳдан устун бўлган - мос равишда 112 нафар (48,7%) ва 109 нафар (61,2%) эканлигини кўрсатди. Барча 408 нафар беморлар орасида 35 нафар (8,5%) беморда бироз яхшиланиш кузатилган, биринчи гуруҳдаги беморларнинг улуши иккинчи гуруҳга нисбатан 1,5 баравар юқори бўлиб, 23 нафар (10,0%) ва иккинчи гуруҳ 12 нафарни (6,7%) ташкил қилди (3-жадвал).

3-жадвал

Ўрганилган беморларни хирургик даволаш натижалари, n = 408

Бемор гуруҳлари	Сезиларли яхшиланиш		Яхшиланиш		Бироз яхшиланиш		Яқуний	
	абс.	%	абс.	%	Абс.	%	абс.	%
Биринчи	95	41,3	112	48,7	23	10,0	230	56,4
Иккинчи	57	32,0	109	61,2	12	6,7	178	43,6
Жами	152		221		35		408	
%	37,3		54,2		8,5		100,0	

Изоҳ: кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга ($P < 0.001$)

Операциядан олдинги давр билан солиштирилганда оғриқнинг локализациясини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, операциядан кейинги даврда оғриқ синдромининг частотаси иккала гуруҳда ҳам сезиларли даражада пасайган: операциядан олдин ҳар хил интенсивликдаги оғриқ 100% ҳолларда кузатилган, операциядан кейин оғриқ фақатгина 4 нафар (1,0%) ва ҳар бир гуруҳда 2 нафардан бемор аниқланган (4-жадвал).

4-жадвал

Операциядан кейин ўрганилаётган беморларда оғриқнинг намоён бўлиш кўрсаткичлари, n = 408

Бемор гуруҳлари	Оғриқни намоён бўлиши			Яқуний
	Оғриқ йўқ	Оғриқ пасайиши	Оғриқ бор	
Биринчи	73	155	2	230
Иккинчи	71	105	2	178
Жами	144	260	4	408
%	35,3	63,7	1,0	100

Изоҳ: кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга ($P < 0.001$)

Неврологик дисфункциялар кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, МВДни тригеминал нерв илдизида қўллаш 144 нафар беморларда операциядан олдинги 222-та сезгирлик функцияларини бузилишини тиклашга ёрдам берди ва бу 64,9% ни ташкил этди. Сезувчанлиги пасайган беморларнинг сони - 222 нафарни (54,4%) ташкил қилиб, операциядан сўнг 78 нафаргача (19,1%) камайди. Операциядан олдин

ва кейин неврологик дисфункцияларнинг умумий сони иккала гуруҳдаги беморларда гипестезия - 152 (52,2%) ва 66 (16,2%), сўнгра, анестезия - 113 (38,8%) ва 8 (2,0%), кейин гиперестезия - 20 (6,9%) ва 2 (0,5%), шунингдек, парестезия - 6 (2,1%) ва 2 (0,5%), тегишлича, қўйидагича ҳолатларда кузатилди (5-жадвал).

5-жадвал

Операциядан олдин ва кейин ўрганилган беморларда сезувчанлик бузилишларининг кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш, n = 408

Сезувчанлик бузилиши	Операциядан олдин, n = 222 (54,4%)				Операциядан кейин, n=78 (19,1%)			
	Гуруҳлар		Якуний	%	Гуруҳлар		Якуний	%
	1	2			1	2		
Гипестезия	86	66	152	52,2	39	27	66	16,2
Гиперестезия	15	5	20	6,9	2	0	2	0,5
Парестезия	-	6	6	2,1	0	2	2	0,5
Анестезия	53	60	113	38,8	4	4	8	2,0
Жами	154	137	291	100,0	45	33	78	19,1

Изоҳ: кўрсаткичлар орасидаги фарқлар статистик аҳамиятга эга ($P < 0.01$)

Операциядан олдин ва кейин вегетатив дисфункцияларнинг қиёсий кўрсаткичлари, уларнинг намоён бўлмаганлиги, бажарилган хирургик даволаш самарадорлигини исботлади - операциядан олдин вегетатив дисфункциялари бўлган 48 нафар (11,8%) беморларда операциядан сўнг вегетатив дисфункциялар аниқланмади (6-жадвал).

6-жадвал


Операциядан олдин ва кейин ўрганилган беморларда вегетатив дисфункцияларнинг қиёсий кўрсаткичлари, n = 408

Вегетатив Дисфункция	Операциядан олдин, n=48 (11,8%)				Операциядан кейин, n=0			
	Гуруҳлар		Якуний	%	гуруҳлар		Якуний	%
	1	2			1	2		
Гиперемия	11	20	41	67,2	беморларда вегетатив дисфункция кузатилмади			
Сўлак оқиши	-	1	1	1,6				
Кўз ёш оқиши	7	8	19	31,1				
Абс	18	29	61	100,0				

Изоҳ: кўрсаткичлар орасидаги фарқлар статистик аҳамиятга эга ($P < 0.01$)

Нейрохирургик даволашда МВДдан кейинги асоратлар жами 19 нафар (4,7%) бемор ва 22 та ҳолатга тўғри келди. Шу жумладан, биринчи гуруҳда 15-та (6,5%), иккинчи гуруҳда 4-та (2,2%) ҳолат қайд этилди. Биринчи гуруҳдаги беморларда асоратлар сони иккинчи гуруҳга қараганда 3 баравар кўплиги аниқланди.

Энг кўп ҳолатлар - эшитиш қобилиятини бузилиши 7 (31,8%) ва Хаус-Бракман юз нерви парезлари 8 (36,4%) пайдо бўлганлиги биринчи гуруҳда қайд этилган. Иккинчи гуруҳда Хаус-Бракман парези ва акузия / гипоакузиялар биттадан учраб (4,5%) ни ташкил қилган. Биринчи ва иккинчи гуруҳда церебеллар атаксияси 1 та ва 3 та ҳолатларда қайт қилинган (3-расм).




3-расм. Тригеминал невралгияда нерв илдизининг микроваскулярь декомпрессиясидан кейинги асоратлар

Тригеминал нерв илдизининг МВД ёрдамида ТН билан оғриган беморларни хирургик даволаш натижаларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, нейроваскулярь сиқилишни бартараф қилиш ТН асосий симптомини - оғриқни йўқ қилади, беморларнинг умумий ҳолатини яхшилади, сезувчанлик ва вегетатив дисфункцияларнинг бузилишини тиклашга ёрдам беради, шунингдек ҳаёт сифатини яхшиланишига таъсир кўрсатди.

Шундай қилиб, тригеминал илдизининг микроваскулярь декомпрессиясини ўтказишнинг асосий мақсади оғриқ синдромини йўқ қилиш бўлиб, унинг самадорлиги оғриқ йўқолиши ва регрессини ҳисобга олганда 99% ташкил этди. Ишлаб чиқилган алгоритм ТН билан касалланган беморларнинг диагностикасини яхшилаш, шунингдек, МВДга кўрсатмаларини ва қарама-қарши кўрсатмаларини аниқлашга ва хирургик даволаш усулини танлашга дифференциал ёндашиш имконини берди. МВД учун нисбий кўрсатмалар: айланма цистернани кенгайтириш, дастлабки консерватив ва хирургик даволашнинг самарасизлиги ҳисобланади.

Беморнинг оғир соматик ҳолати тригеминал нерв илдизининг МВД учун нисбатан қарама-қарши кўрсатма ҳисобланади. МВД ўтказиш учун мутлоқ қарама-қарши кўрсатмалар қуйидагилардир: бирга келадиган соматик патологиянинг мавжудлиги ёки бошқа сабаб туфайли умумий наркоз қилишнинг мумкин эмаслиги. МВД ўтказиш учун мутлақо қарама-қарши кўрсатмалар мавжуд бўлса, беморларда хирургик даволашнинг бошқа усуллари - тригеминал нерв шохларининг блокадалари, эксерези ва бошқа усуллар қўлланилади. (4-расм).



4-расм. Тригеминал невралгияни ташхислаш ва нерохирургик даволаш алгоритми

Диссертациянинг «**Нейрохирургик даволанишдан олдин ва кейин тригеминал невралгия билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобда МВДни 2012-2018 йиллар давомида ТН билан касалланган барча 408 нафар беморларда қўллаш ва сўровномалар натижалари берилган, умумий саломатлик профилини, оғриқни баҳолашни ўз ичига олган сўровномалар ишлатилган. Невралгия намоён бўлишининг асосий кўрсаткичи сифатида саломатлик профилини ва оғриқ синдроми интенсивлигини баҳолаш: MOS SF-36, EuroQol-5D; McGill Pain қисқа сўровномалари, «Тригеминал невралгияда ҳаёт сифатини баҳолаш» ва «Тригеминал невралгияда оғриқни баҳолаш» учун ишлаб чиқилган сўровномаларни қўллаш орқали амалга оширилган.

Ўрганилган беморларнинг ҳаёт сифати бўйича тадқиқотлар уч даврга бўлинган: биринчи даврда (2012-2014йй.), 111 (27,2%) MOS SF-36 ва McGill сўровномалари ишлатилган; иккинчи даврда (2015-2016йй.) - 133 (32,6%) MOS SF-36, McGill ва EuroQol-5D; учинчи даврда (2017-2018йй.) - 164 (40,2%) MOS SF-36, McGill, EuroQol-5D ишлаб чиқилган «Тригеминал невралгия учун ҳаёт сифатини баҳолаш» ва «Тригеминал невралгия учун оғриқ синдромини баҳолаш» сўровномаларини қўллаш орқали беморларда текшириш ўтказилган.

MOS SF-36 сўровномасидан фойдаланган ҳолда ҳаёт сифатини баҳолаш шуни кўрсатдики, МВД қўлланилган ҳар иккала гуруҳидаги беморларнинг жисмоний ва психологик таркибий қисмларнинг кўрсаткичлари операциядан

олдин кейинги даврга нисбатан ёмонроқ, соғлиқнинг жисмоний таркибий қисмидаги кўрсаткичлар фарқи эса унчалик катта эмас эди. Яъни ТН билан оғриган беморларда сурункали оғриқ синдроми операциядан олдин ва ундан кейин ҳам жисмоний ҳолатга қараганда беморларнинг психологик ҳолатига кўпроқ таъсир кўрсатганлиги аниқланди.

McGill сўровномасига кўра, ҳар уч даврда ҳам операциядан кейинги даврда беморларнинг иккала гуруҳида оғриқ интенсивлиги кўрсаткичлари йўқ ёки сезиларли даражада паст бўлиб, операциядан олдинги даврга нисбатан 5 баллдан 0,5 гача тушганлиги аниқланди. Иккала гуруҳда ҳам иккита сўровномалар натижалари МВДнинг самарадорлигини кўрсатди, операциядан кейинги даврда жисмоний ва психологик таркибий қисмларнинг кўрсаткичлари ошди ва оғриқ интенсивлиги операциядан аввалгига қараганда йўқолган ёки анча паст бўлганлиги қайд қилинган.

EuroQol-5D сўровномасидан фойдаланган ҳолда ҳаёт сифатини баҳолаш иккинчи ва учинчи даврларда иккала гуруҳдаги беморларнинг психологик ҳолати ёмонлашиши кўрсаткичлари натижалари жисмоний кўрсаткич даражасидан юқори эканлиги тасдиқланди. Бундан ташқари, гуруҳлар ўртасидаги фарқ операциядан олдин ва ундан кейин ҳам бўлган. Ҳаёт сифатини баҳолашда нейрохирургик даволаниш натижаларига кўра, EuroQol-5D кўрсаткичлари MOS SF-36га ўхшаш бўлиб МВД тригеминал невралгияни хирургик даволашда самарадорлигини тасдиқлади.

Ишлаб чиқилган «Тригеминал невралгияда ҳаёт сифатини баҳолаш» сўровномасидан фойдаланиш биринчи ва иккинчи гуруҳлардаги ҳаёт сифати даражаси операциядан олдин 6 балл ва операциядан кейин 4 баллгача фарқ қилиши мумкинлигини кўрсатди. Бундан ташқари, операциядан кейинги ҳаёт сифати кўрсаткичлари ҳар иккала гуруҳда ҳам операциядан олдинги давр билан солиштирилганда яхшиланди, бу операциядан кейинги даврда ҳаёт сифатининг ошишига мос келди ва МВД ёрдамида нейрохирургик даволаш самарадорлигини исботлади. Гуруҳлар орасидаги фарқлар биринчи гуруҳдаги беморларнинг клиникага келишдан олдин вақтинчалик таъсирга эга бўлган бир неча турдаги хирургик даволанишдан ўтганлиги ва беморларнинг аксариятида доимий кўшимча соматик патологиялар мавжудлиги, касалликнинг давомийлиги ўртача 7 йилдан кўпроқ бўлганлиги билан изоҳланади. Буларнинг барчаси операциядан олдинги даврда биринчи гуруҳдаги беморларда иккинчи гуруҳдаги беморларга нисбатан ҳаёт сифати даражаси кўпроқ ёмонлашганлигини тасдиқлади. Гуруҳлар орасидаги ҳаёт сифати кўрсаткичлари ўртасидаги тафовутлар ишлаб чиқилган сўровномаларнинг юқори даражада сезгирлигини кўрсатди.

Ишлаб чиқилган «Тригеминал невралгияда оғриқ синдромини баҳолаш» сўровномасини қўллаш шуни кўрсатдики, текширилган беморларда операциядан олдинги даврда оғриқ кўрсаткичлари биринчи гуруҳдаги энг ёмон кўрсаткичлар билан операциядан олдин 4 баллгача бўлган гуруҳлар ўртасида фарқ қилган ва ундан кейин - унчалик сезиларли эмас, 2 баллгача фарқланган. Буларнинг барчаси оғриқ синдромининг юқори интенсивлигини ва операциядан олдинги даврда биринчи гуруҳ беморларида иккинчи гуруҳга

